ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

247 Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўгрисида

[Кўчирма]


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фукаролар хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ−5005-сонли Фармонига мувофик:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўгрисидаги низом 1-иловага мувофик тасдиклансин.
 - 4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда ўрта ва қуйи бўғинлар ўртасидаги вазифа ва функцияларни аник чегараланишини, шунингдек ходимларнинг функционал мажбуриятларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқласин;

2018 йилнинг 1 январига қадар ички ишлар органларининг янгидан ташкил этилаётган булинмаларини ва киритилаётган лавозимларини зарур билимларга, амалий куникмаларга, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, қуйилган вазифаларни самарали бажаришга қодир булган юқори малакали кадрлар билан тулдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юкланаётган янги вазифаларнинг мазмун ва мохиятини ички ишлар органларининг хар бир





ходими эътиборига етказишни таъминлаш буйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилсин.

5. Белгилансинки:

«Тошкент» аэропорти ва «Тошкент-Марказий» вокзалидаги транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш булимлари Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига буйсунади;

транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш булимлари Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ички ишлар бошкармаларининг таркибий булинмалари хисобланади хамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири ва вилоят ички ишлар бошқармалари бошлиқларига буйсунади;

шаҳар (туман, транспорт) ички ишлар булимларининг ёнгин хавфсизлиги булинмалари бош бухгалтерлари, катта инспекторлари (инспекторлари), катта муҳандислари (муҳандислари), шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боглиқ булмаган жазоларни ижро этишни назорат қилиш булинмалари (гуруҳлари) катта инспекторлари (инспекторлари), паспорт булинмалари бошлиқлари ва доимий равишда оммавий тадбирлар утказиладиган жойларда фаолият олиб борувчи жамоат тартибини сақлаш гуруҳлари катта инспекторлари лавозимлари офицерлар таркиби томонидан эгалланади;

шаҳар (туман) ички ишлар бошқармаларининг (булимларининг) паспорт булинмалари хизматчилари лавозимлари сафдорлар таркиби томонидан эгалланали.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда сафдорлар таркибига ўтказилаётган шаҳар (туман) ички ишлар бошқармаларининг (булимларининг) паспорт булинмалари хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, шунингдек уларни асосан юридик коллежлар битирувчилари билан тулдириш буйича чораларни курсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:


«Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамиятининг республика кенгаши ижроия аппаратини мақоми буйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бош бошқармасига тенглаштириш;

Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бошқармалари махсус эксплуатация-монтаж бўлимларини (бўлинмаларини) ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг Йўл ҳаракати бошқармаси ҳузуридаги махсус эксплуатация-монтаж бошқармасини тегишинча Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўтказиш тўгрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилаб қуйилсинки:

махсус эксплуатация-монтаж булимлари (булинмалари) ва бошқармаси давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

махсус эксплуатация-монтаж бўлимлари (бўлинмалари) ва бошқармасининг муассиси бўлиб тегишинча Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобланади.





247-модда

- 7. Ички ишлар органлари ходимларининг ички ишлар тизимида эгаллаб турган лавозимига кура пул таъминоти ва ижтимоий имтиёзлари ташкилий-штатлар узгаришларига мувофик улар лавозимга кайта тайинлангунига кадар саклаб колинсин.
 - 8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таклифларига асосан Ички ишлар органларини босқичма-босқич моддий-техник жиҳозлаш Дастурини тасдиқласин;

икки ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари махсус жамғармасига ажратмаларни ички ишлар органларининг моддий-техник базаси доимий янгиланиб турилиши, энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилиниши ҳамда ходимларни рағбатлантириш заруриятини инобатга олган ҳолда купайтириш буйича таклифлар киритсин;

икки ой муддатда ички ишлар органлари ходимлари мехнатига ҳақ тулаш, уларнинг куп йиллик хизматини ҳисоблаш ва пенсия таъминоти тизимини танқидий қайта куриб чиқсин ҳамда маблағларнинг оқилона ишлатилиши, устамалар ва туловларни ишларнинг амалдаги натижасини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда қулланишини таъминлайдиган тизимни жорий этиш буйича таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ушбу қарорга мувофиқ харажатлар сметаларига ўзгартишлар киритсин, шунингдек Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмаларининг янги штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқласин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қушимчалар туррисида таклифлар киритсин;

уч ой муддатда идоравий норматив-хукукий ва бошка хужжатларни ушбу карорга мувофиклаштирсин.

- 10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш буйича амалга оширилаётган ислохотларнинг максади ва мазмун-мохиятини ахоли ўртасида тушунтиришни, шунингдек давлат хокимияти вакиллик органлари томонидан ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг эшитувларини ёритишни таъминласин.
- 11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2017 йил 12 апрель, ПК-2883-сон



15 (775)-coн — 57 — 247-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ−2883-сонли қарорига 1-ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўгрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ички ишлар органлари тизими фаолиятига умумий рахбарлик қиладиган ва мувофиклаштирадиган республика давлат бошқарув органи хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўз макомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси таркибига киради.

- 2. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруклари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал килади.
- 3. Вазирлик ўз фаолиятини бевосита ҳамда ички ишлар органлари орқали, шу жумладан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фукаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.
- 4. Вазирликнинг фаолияти очик ва ошкора хисобланади, конунда назарда тутилган холлар бундан мустасно.

Вазирлик давлат органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ва ахолини мамлакатдаги криминоген вазият, хукук-тартиботни мухофаза килиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш холати, хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш буйича курилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши туррисида тизимли равишда хабардор килиб боради.

5. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Вазирлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ва белгиланган тартибда тасдикланадиган ўз рамзига эга бўлиши мумкин.



2-боб. Вазирликнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари хисобланади:

фукароларнинг хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, конституциявий тузум химоя килинишини, конун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

халқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга мухаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш рухида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан химоя қилишга қаратилган самарали ишларни ташкил этиш;

барча даражадаги ички ишлар органлари булинмаларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши буйича, авваламбор, хукукбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, тезкор-қидирув ва эксперт-криминалистика фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, муомалада бÿлиши тақиқланган ёки қонун билан чекланган курол-яроғ, бошқа предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни ташкил этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли миграцияси ва паспорт тизими соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш;

жиноий жазолар ва бошқа жиноий-хуқуқий таъсир чоралари ижросини, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш, шунингдек шахсларни қидириш ишларини ташкил этиш;

хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш, уларни, шу жумладан қонунчилик ва ҳуқуқни қуллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш чора-тадбирларини куриш;

жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш, фукароларда конун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга конунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш;

ички ишлар органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаш ва жой-жойига қуйиш, шунингдек ходимларини ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш.

7. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Вазирлик қуйидаги функцияларни амалга оширади:



а) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, конституциявий тузум ҳимоя қилинишини, қонун устуворлиги, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

ички ишлар органларининг инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда ӱз вақтида бартараф этиш борасидаги фаолияти самарали ташкил этилишини таъминлаш;

инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, қонунийликни ва қонун устуворлигини таъминлашга доир республика ва идоравий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини тизимли ва комплекс таҳлил қилиш;

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат суверенитети ва худудий яхлитлигини химоя килиш, жамиятда фукаролар тотувлиги ва ахиллигини саклашда иштирок этиш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳалқаро шартномаларга риоя этиш;

давлатга қарашли, алохида мухим, тоифаланган ва бошқа объектлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкини химоя қилишни ташкил этиш:


хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва ўзга турдаги ваколатхоналари, бошқа объектлар хамда юкларни қонунчиликка мувофиқ қўриқланишини ташкил этиш;

фукароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этмаслик, қонун бузилиши ҳолатлари буйича хизмат текширувларини утказиш ва ички ишлар органлари ходимларини жавобгарликка тортиш турисида қарорлар қабул қилиш;

б) халқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш соҳасида:

ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини куриб чикиш, уларнинг хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини амалга ошириш буйича ишини самарали ташкил этиш, мурожаатларда кутарилаётган муаммоларга юзаки муносабатда булишга йул куймаслик чораларини куриш;

ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини куриб чикиш сохасидаги фаолиятини, шу жумладан жойларга чикиб, мурожаатларда кутарилаётган муаммолар буйича зудлик билан тегишли чораларни куриш оркали назорат килиш хамда мувофиклаштиришни амалга ошириш;





247-модда

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати учун асос булган қонун бузилиши ҳолатлари ва бошқа муаммоларни комплекс ва тизимли таҳлил қилишни амалга ошириш, шунингдек қонун бузилишларини бартараф этиш ва муаммоларни ҳал этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш, фукароларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш буйича аҳоли билан тизимли манзилли мулоқотни йулга қуйиш, шунингдек аҳолининг ички ишлар органларига булган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши буйича жамоатчилик назоратини кенгайтириш ва ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга оид чора-тадбирларни, хусусан, жамоатчиликка ўз фаолияти тўгрисида хисоботларни тизимли такдим этиб бориши орқали амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари билан аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда тўгридан-тўгри ва яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ахолига унинг кундалик муаммоларини хал этишга хар томонлама кумаклашиш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятида ижтимоий ва давлатхусусий шерикчиликни ривожлантиришни таъминлаш;

в) вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан ҳимоя қилишга қаратилган самарали ишларни ташкил этиш соҳасида:

ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қисми ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган авлодни қонунга зид фаолиятга жалб этилишига йўл қуймаслик борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш;

вояга етмаганлар ва ёшларнинг хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари химоя килинишини таъминлаш, уларнинг умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълимини олишларига, ишга жойлашишларига кўмаклашиш, шунингдек, мазмунли дам олишларини ташкил этиш;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгида ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни, халқнинг анъана ва урф-одатларини хурмат қилиш, шунингдек мустақиллик ғояларига садоқат туйғусини чуқур сингдиришга топтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ёшларни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан, «оммавий маданият»нинг бузгунчи таъсири, шунингдек бошқа ахборот ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишни ташкил этиш;

вояга етмаганлар томонидан хукукбузарликлар ёки бошка гайриижтимоий хатти-харакатлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитлари-



15 (775)-сон

ни бартараф этишда давлат органлари ва ташкилотлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

г) барча даражадаги ички ишлар органлари бўлинмаларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши бўйича, авваламбор, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, тезкор-қидирув ва эксперт-криминалистика фаолияти, ва дастлабки терговни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш соҳасида:

ички ишлар органларининг хукукбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, шунингдек жиноят ишларини тергов қилиш, криминоген вазиятни прогноз қилиш амалиётига доир фаолиятининг самарадорлигини комплекс хамда тизимли тахлил қилишни ташкил этиш;

ички ишлар органлари фаолиятида хукукбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, уларни содир этиш сабаблари ва бунинг учун имкон яратадиган шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларининг жиноятлар олдини олиш, аниқлаш, бартараф этиш ва фош қилиш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, терроризм, экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш;

давлат, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва бунинг учун имкон яратадиган шарт-шароитларни бартараф этишга доир тақдимномалар, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш буйича таклифлар киритиш;

жиноятлар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида уюшган жиноий гурухлар ва ҳамжамиятлар фаолиятининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш;

қонунчиликка мувофиқ ички ишлар органлари терговига тегишли булган жиноятларни уз вақтида ва тулиқ фош этиш ҳамда ҳар томонлама тергов қилишни таъминлаш;

ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига сÿзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини техник-криминиластик таъминлаш, ахборот-маълумотнома ва криминалистика ҳисоби, картотека ҳамда коллекциялар юритилишини ташкил этиш;

маъмурий хуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий жазони қуллаш туррисидаги қарорлар бажарилишини ташкил этиш;

д) жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини химоя қилишни таъминлаш, муомалада бўлиши тақиқланган ёки қонун билан



чекланган қурол-яроғ, бошқа предметлар ва моддаларни сотиб олиш, хисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни ташкил этиш соҳасида:

кучалар ва бошқа жамоат жойларида содир буладиган воқеа-ҳодисалар, ҳуқуқбузарликларни, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини комплекс ва тизимли таҳлил қилишни ташкил этиш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек шартномавий-хуқуқий асосда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини курсатишни ташкил этиш;

ички ишлар органлари ваколатига киритилган масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда лицензиялаш ва рухсатнома туридаги хужжатларни бериш, шунингдек лицензия ҳамда рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

оммавий тадбирларга тайёргарлик куриш ва уларни утказишда, шунингдек ахоли гавжум буладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини химоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолиятига ташкилий-услубий рахбарлик қилиш хамда мувофиқлаштириш;

фукароларга тегишли ва хизмат қуроллари ҳамда уларнинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, шунингдек пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, фукаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли билан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари буйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

е) йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли миграцияси ва паспорт тизими соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш соҳасида:

йўл харакати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек миграцияни назорат қилиш ва паспорт тизими талабларига риоя этилиши самарадорлигини комплекс хамда тизимли тахлил қилиш;

йўл харакати хавфсизлигини, шу жумладан йўл-транспорт ходисалари ва йўл харакати қоидалари бузилиши профилактикаси, шунингдек уларга қарши курашишни таъминлаш, хукукбузарликларни содир этишга дахлдор бўлганларни ва уларнинг шахсини аниклаш;

ёнгинларнинг олдини олиш ва профилактикаси, ахоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга доир дастурлар хамда бошқа комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ёнгиндан сақлаш бўлинмаларини ўт ўчириш техникаси ва бошқа техника воситалари билан таъминлаш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш;

ёнғинларни ўчиришни, ёнғин худудида қолган одамларни, жисмоний ва

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.





15 (775)-сон

юридик шахслар мол-мулкини қутқаришни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек ёнғинлар ва улар оқибатлари ҳисобини юритиш;

давлат ёнгин назоратини амалга ошириш;

давлат ва хужалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқароларга аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ҳамда ёнғинларнинг олдини олиш тадбирларини утказиш турисида курсатмалар киритиш;

паспорт тизими қоидалари ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқиш учун зарур хужжатлар, доимий ва вақтинчалик яшаш учун рухсатномаларни бериш ва расмийлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фукаролари, чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фукаролиги масаласи буйича мурожаатлари куриб чикилишини ташкил этиш;

ж) жиноий жазолар ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари ижросини, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш, шунингдек шахсларни қидириш ишларини ташкил этиш соҳасида:

белгиланган тартибда жиноий жазолар ва бошқа жиноий-хуқуқий таъсир чоралари ижросини, шунингдек маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш ишларини ташкил этиш;

жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналарида хукукбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, жиноятларни бартараф этиш ва фош этиш, хукук-тартибот хамда конунийликни таъминлашга доир тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш, моддий-техник базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, маҳкумлар бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринлари яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб, жиноий жазодан қочиб юрган шахсларни, бедарак йуқолган ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидиришни, шунингдек шахси аниқланмаган мурдалар шахсини аниқлашни ташкил этиш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан белгиланган тартибда шахсларни халқаро қидириш, ҳисбга олинганларни олиб келишни таъминлашда ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш;

з) ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон яратувчи шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш, уларни, шу жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш соҳасида:

ички ишлар органлари фаолиятини юридик таъминлаш ва уларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қуллаш амалиётида қонунийликка риоя этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.

қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётида хуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари бўлган омилларни аниклашни таъминлаш, шунингдек уларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қуллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда киритиш;

ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, улар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш масалалари буйича норматив-хукукий хужжатлар лойихаларини ишлаб чикиш;

норматив-хуқуқий хужжатларнинг тизимлаштирилган хисобини юритиш;

и) жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш соҳасида:

жамиятда хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш мақсадида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат буйича ички ишлар органларининг мувофиқлаштирилган ишини ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, Ӱзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ички ишлар органларининг аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларига жалб қилиш;

ахоли ўртасида хукукий билимни тарғиб қилиш ва қонунчилик нормалари мазмун-мохиятини, шунингдек мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг максад ва вазифаларини тушунтиришда иштирок этиш;

хукуқбузарликлардан жабрланган шахслар, ғайриижтимоий хулқли, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил ва содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитация ҳамда ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилишни амалга ошириш ва ташкил этиш, уларнинг мурожаатларини қонунчиликда белгиланган тартибда куриб чиқиш ва ҳал этишни таъминлаш;

ахоли ўртасида хукукий тарғибот ва маърифат буйича ахборот, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чикиш хамда амалга оширилишини таъминлаш;

ахоли ўртасида хукукий тарғибот ва маърифат ишларини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

к) ички ишлар органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаш ва жой-жойига қуйиш, шунингдек ходимларини хуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш соҳасида:



ички ишлар органлари ходимларини танлаш, ўрганиш ва жой-жойига кўйишни, рахбар кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлашни ташкил этиш;

кадрлар билан ишлаш ҳолатини таҳлил ҳилиш ва баҳолаш, уни янада такомиллаштириш ва ички ишлар органларининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш буйича устувор йуналишларни белгилаш;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, коррупция ҳолатлари ва қонунга зид бошқа хатти- ҳара-катлар содир этилишини ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш ва профилактикасини амалга ошириш;

ички ишлар органлари ходимларининг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этиш;

ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш;

ички ишлар органлари таълим муассасаларида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимлари билан маънавий-тарбиявий ишларни, уларни рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишни ташкил этиш;

ички ишлар органлари ходимларининг қонуний фаолиятига аралашиш ҳолатларига барҳам бериш чораларини куриш;

ички ишлар органлари ходимларининг соғлиғини сақлаш, меҳнатига ҳақ тӱлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан ички ишлар ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртасини, шунингдек ходимлар ва уларнинг оиласига қонунга мувофиқ ижтимоий ёрдам кӱрсатилишини ташкил этиш;

ички ишлар органларининг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш;

ички ишлар органларининг даволаш-профилактика, спорт, соғломлаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш.


Вазирлик қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Вазирликнинг хукуклари ва жавобгарлиги

8. Вазирлик зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органларига кўриб чиқиш учун қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ўрнатилган тартибда таклифлар киритиш;

фукароларни уларнинг розилиги билан ҳамкорликка жалб этиш, шунингдек ички ишлар органларига ёрдам берган ва жамоат тартибини сақлаш, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ўрнак кўрсатган фукароларни рагбатлантириш;





247-модда

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ёки манфаатдор шахсларга хуқуқбузарликларни, шунингдек уларнинг содир этилишига имкон яратган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўгрисида бажарилиши мажбурий булган такдимномаларни киритиш;

бошқа вазирликлар, давлат қумиталари ва идоралари билан хамкорликда қарорлар ва бошқа хужжатлар чиқариш;

жиноятлар тафсилотлари, уларни содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда шахсларни қидириш учун давлат органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан бепул фойдаланиш;

ташкилотлар ва фукаролардан ички ишлар органлари фаолиятини амалга ошириш үчүн зарур булган маълумотни бепул олиш, конунда бошкача тартиб ўрнатилган холлар бундан мустасно;

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фош этиш мақсадида техника ва махсус воситалардан фойдаланган холда ахборот тизимлари хамда маълумотлар базасини яратиш;

ички ишлар органлари фаолиятини ёритиш, норматив-хукукий хужжатлар, расмий эълонларни чоп этиш, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифалар буйича бошқа материалларни жойлаштириш учун қонунга мувофик босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш;

икки томонлама ва куп томонлама келишувлар асосида хорижий мамлакатларнинг хукукни мухофаза килиш органлари, жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотлар билан халқаро хамкорликни амалга ошириш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш билан боглик тадбирларни ўтказиш учун вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини жалб этиш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари курсатиш тартибини такомиллаштириш учун давлат унитар корхоналари ташкил этиш тўгрисида таклифлар киритиш;

ички ишлар органлари булинмаларининг рамзларини, шу жумладан фаркловчи кукрак нишонларини таъсис этиш.

Вазирлик қонун хужжатларига мувофик бошқа хуқуқларга хам эга булиши мумкин.

9. Вазирлик ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

- 10. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири такдимномасига биноан тасдикланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири (кейинги ўринларда — вазир) бошчилик қилади.
 - 11. Вазир:

ички ишлар органлари тизимига умумий рахбарликни таъминлайди;



15 (775)-сон

ларни ўрнатилган тартибда киритади;

Вазирлик ва унинг булинмалари тузилмасига уларнинг жами чекланган штатлар сони доирасида белгиланган тартибда узгартиришлар киритади;

мол-мулк ва объектларни қўриқлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва қонунда назарда тутилган бошқа фаолият йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тўгрисидаги шартномалар асосида тушадиган маблаглар хисобидан Молия вазирлиги билан келишган холда Вазирликнинг тегишли бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритади;

ўз ваколати доирасида Вазирлик бўлинмаларининг ташкилий тузилмаларини тасдиклайди;

ўз ваколати доирасида Вазирлик бўлинмалари тўгрисидаги низомларни, шунингдек худудий ички ишлар органлари тўгрисидаги намунавий низомларни тасдиклайди;

давлат органлари, ташкилотлари ва ахоли, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Вазирлик номидан иш кўради;

Вазирликка берилган ваколатлар доирасида буйруқлар, фармойишлар ва бошқа хужжатлар чиқаради, уларнинг бажарилиши назоратини ташкил этади;

ўзининг ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида мажбуриятларни таксимлайди, Вазирлик тизимининг бошка мансабдор шахслари ваколатларини, Вазирликнинг айрим участкалари фаолияти ва ички ишлар органлари ишига рахбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари хамда бошка мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражаларини белгилайди;

худудий ички ишлар органлари бошлиқларининг қонунчилик талабларини бузган ҳолда қабул қилган қарорларини (ёзма курсатмаларини) бекор килади;

ички ишлар органлари ходимларига ўрнатилган тартибда махсус унвонлар беради, Ўзбекистон Республикаси Президентига ички ишлар органлари генераллари таркибига унвонлар бериш хакида такдимнома киритади;

Вазирлик стипендиясини таъсис этади, Вазирликнинг олий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантларига бундай стипендия микдорини ва тулаш шартларини белгилайди;

ички ишлар органлари ходимлари, Вазирликнинг олий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантларини рагбатлантириш хамда уларга нисбатан интизомий жазолар кўллаш масалаларини хал этади, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига такдим этади;

Вазирлик зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган етти нафар ўринбосар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазир булмаган ҳолларда унинг вазифасини биринчи уринбосар бажаради.

Мажбуриятлар тақсимотига мувофиқ вазир ўринбосарлари Вазирлик фаолиятининг аниқ йўналишларига рахбарлик қилади.

Вазирнинг топшириғи буйича унинг уринбосарлари уз ваколатлари доирасида фармойишлар ва курсатмалар чиқаради.

13. Вазирликда вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек Вазирликнинг асосий фаолият йўналишларини амалга оширувчи таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Хайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Вазирнинг такдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Хайъат ушбу Низомда белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш билан боглик масалаларни куриб чикади.

Хайъат мажлисларига Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни куриб чикиш учун бошка вазирликлар, давлат кумиталари, идоралар, жойлардаги давлат хокимияти органлари ва бошка ташкилотларнинг рахбарлари таклиф этилиши мумкин.

Хайъат унинг мажлисда таркибининг ярмидан купи қатнашган тақдирда ваколатли булади. Куриб чиқилаётган масалалар буйича қарорлар оддий купчилик овоз билан қабул қилинади.

Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда вазир мустақил равишда қарор қабул қилади, келиб чиққан келишмовчиликлар тўгрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради.

 Хайъатнинг фаолияти тартиби унинг хайъат тасдиклайдиган регламентида белгиланади.

- 14. Вазирликда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини комплекс хал этиш учун кенгашлар ва комиссиялар тузилиши мумкин. Кенгашлар ва комиссиялар таркиби, шунингдек уларнинг низомлари Вазир томонидан тасдикланади.
- 15. Худудий ички ишлар органлари юридик шахс хисобланади ва ўз фаолиятини Вазир томонидан тасдиқланадиган низомларга асосан амалга оширади.

Худудий ички ишлар органларига Вазир томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқлар рахбарлик қилади, Қорақалпогистон Республикаси Жуқорги Кенгеси томонидан вазир билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Корақалпогистон Республикаси ички ишлар вазири бундан мустасно.

Худудий ички ишлар органлари жойлардаги давлат хокимияти органларидан мустақил ва бевосита Вазирликка буйсунади.

